

**“Энг инновацион ғоя” республика танловини ўтказиш
тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом давлат олий таълим ташкилотларининг иқтидорли талабалари ўртасида “Энг инновацион ғоя” республика танловини (кейинги ўринларда – танлов) ўтказиш, уларнинг стартап лойиҳага айлантириш имконияти юқори бўлган ғояларини саралаш ва молиялаштириш тартибини белгилайди.

2. Танлов ҳар йили сентябрь – декабрь ойларида иқтидорли талабаларни рағбатлантириш ҳамда уларнинг истиқболли ва инновацион ғояларини молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида ўтказилади.

3. Ушбу Низом қоидалари барча нодавлат олий таълим ташкилотлари учун тавсиявий характерга эга бўлиб, улар Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Инновацион ривожланиш агентлиги (кейинги ўринларда – Агентлик) билан келишган ҳолда танловда қатнашиши мумкин.

4. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

инновацион ғоя – илмий далил ва асосга эга, янги маҳсулот ёки хизмат турини яратишга, мавжуд муаммоларга ечим топишга ҳамда стартап лойиҳани шакллантиришга қаратилган лойиҳа;

саралаш комиссияси – олий таълим ташкилотларида танловнинг биринчи босқичига келиб тушадиган инновацион ғояларни саралаш, ғолибларни аниқлаш ва республика босқичига йўлланма бериш учун ташкил этиладиган комиссия;

талабгор – танловларда ўзининг инновацион ғояси билан иштирок этадиган, олий таълим ташкилотларининг бакалавриат ёки магистратура босқичи талабаси.

5. Танлов икки босқичда ташкил қилиниб, биринчи босқич барча давлат олий таълим ташкилотларида (кейинги ўринларда – таълим ташкилотлари) ўзларининг талабалари учун ўтказилади ҳамда ғолибларга таълим ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан умумий миқдорда 100 млн сўм грант ажратилади.

6. Республика босқичи Агентлик томонидан 10 та йўналиш бўйича ўтказилади ва йўналиш ғолибларини молиялаштириш учун Давлат бюджетидан Илм-фанни молиялаштириш ва инновацияларни қўллаб-қувватлаш жамғармасига (кейинги ўринларда – Жамғарма) илмий фаолиятга оид давлат дастурлари доирасида ажратиладиган маблағлар ҳисобидан грант берилади.

7. Танловнинг биринчи ҳамда республика босқичи ғолиблари учун ажратиладиган маблағлар инновацион ғояни дастлабки намунасини яратиш учун зарур сарфлаш материаллари ва ускуналарни сотиб олиш, хорижий инкубация, акселерация ва стажировка дастурларида иштирок этиш билан боғлиқ харажатларга йўналтирилади.

8. Танлов ушбу Низомга 1-иловадаги схемага мувофиқ ташкил этилади ва ўтказилади.

9. Танловнинг республика босқичи ушбу Низомга 2-иловадаги йўналишлар бўйича ўтказилади.

2-боб. Танловнинг биринчи босқичини ўтказиш

10. Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳар йили 5 сентябрга қадар биринчи босқич шартлари ва талабгорлар томонидан саралаш комиссиясига тақдим этиладиган ҳужжатлар намуналари ҳамда рўйхатини тасдиқлайди.

11. Таълим ташкилотлари раҳбарлари томонидан ҳар йили 10 сентябрга қадар танловнинг биринчи босқичида келиб тушадиган инновацион ғояларни саралаш ва ғолибларни аниқлаш мақсадида камида беш нафар тоқ сонли аъзолардан иборат таркибда саралаш комиссиялари тузилади ҳамда таълим ташкилоти раҳбари буйруғи билан тасдиқланади.

Буйруқда саралаш комиссияларининг асосий вазифалари ва мажбуриятлари ҳамда уларга қўйиладиган талаблар кўрсатилади.

12. Саралаш комиссияси таркиби аъзолари раис, котиб ҳамда таълим ташкилотларининг илмий даражага эга ходимлари, бакалаврият ва магистратура босқичи талабаларидан иборат бўлади.

13. Саралаш комиссияларига таълим ташкилотлари раҳбарларининг илмий тадқиқот ва инновацияларга масъул бўлган проректори раислик қилади ҳамда илмий бўлим раҳбари котиб этиб тайинланади.

Бунда таълим ташкилотларида йўналишлар бўйича алоҳида саралаш комиссиялари тузилиши мумкин.

14. Таълим ташкилотлари ҳар йили 10 сентябрда ўзларининг расмий веб-сайти ва ижтимоий тармоқлардаги саҳифаларида талабалар учун танловнинг биринчи босқичига аризалар қабули бошлангани тўғрисида эълон беради.

Эълонда танлов шартлари, қабул қилиш муддатлари, баҳолаш мезонлари ва зарур ҳужжатлар рўйхати очиқ кўрсатилиши лозим.

15. Танловда талабгорлар ҳар йили 10 октябрга қадар саралаш комиссияси номига ариза бериш орқали фақатгина битта инновацион ғоя билан иштирок этади.

16. Саралаш комиссияси котиби ариза ва унга илова қилинган хужжатларни кўриб чиқади ва рўйхатга олади ҳамда ариза қабул қилингани тўғрисида талабгорга маълумотнома тақдим этади.

17. Саралаш комиссияси ҳар йили 10 ноябрга қадар инновацион ғояларни очиқ тақдимот шаклида кўриб чиққан ҳолда баҳолайди ҳамда ғолибларни аниқлайди.

18. Тақдимот жараёнида ғолиблар саралаш комиссияси аъзолари томонидан берилган баллар умумий йиғиндисининг ўртача миқдори бўйича аниқланади.

19. Саралаш комиссияси котиби танловнинг биринчи босқичи бошлангунга қадар саралаш комиссияси аъзосини талабгорларнинг яқин қариндоши эканлигини ёки танлов натижасидан бевосита манфаатдорлигини ёхуд унинг ҳолислигига шубҳа туғдирувчи бошқа ҳолатларни аниқлаган тақдирда, ҳолат юзасидан таълим ташкилотлари раҳбарига хабар бериши шарт.

Манфаатлар тўқнашувига йўл қўйган шахслар таълим ташкилотлари раҳбарлари қарори асосида саралаш комиссияси аъзолари таркибидан чиқарилади ҳамда унинг ўрни муқобил мутахассис билан тўлдирилади.

20. Танловнинг биринчи босқичини ўтказиш якуни бўйича саралаш комиссияси баённомаси тузилади ва у комиссия раиси, котиби ва инновацион ғояларни баҳолашда қатнашган саралаш комиссиясининг аъзолари томонидан имзоланади.

21. Танловнинг биринчи босқичини ўтказиш якуни бўйича тузилган баённомада қуйидагилар кўрсатилиши шарт:

биринчи босқич ўтказилган жойи ва санаси, бошланган ва якунланган вақти;

биринчи босқичда қатнашган саралаш комиссия аъзоларининг рўйхати;

биринчи босқичда қатнашган ва танловга келмаган талабгорлар рўйхати;

саралаш комиссия аъзолари томонидан қўйилган балларни ҳисоблаш натижалари, шу жумладан, ҳар бир талабгор томонидан тўпланган баллар.

22. Саралаш комиссияси танловнинг биринчи босқичи якунида ғолибларни эълон қилади.

23. Таълим ташкилотлари ҳар йили 20 ноябрга қадар ғолиблар учун ажратилган маблағларни уларнинг номига очилган банк пластик карталарига ўтказиб беради ҳамда тасдиқланган баённома ва уларнинг рўйхатини республика босқичида иштирок этадиган йўналишларини белгилаган ҳолда, Агентликка расмий равишда тақдим этади.

24. Таълим ташкилотлари танловнинг республика босқичида қатнашиши белгиланган талабгорларнинг унда иштирок этишини таъминлайди ҳамда хизмат сафари билан боғлиқ барча харажатларни қоплайди.

3-боб. Танловнинг республика босқичини ўтказиш

25. Агентлик директори томонидан ҳар йили 10 ноябрга қадар танловнинг республика босқичида инновацион ғояларни саралаш ва ғолибларни аниқлаш мақсадида камида беш нафар тоқ сонли аъзолардан иборат таркибда ҳар бир йўналиш бўйича алоҳида танлов комиссияси тузилади ҳамда буйруғи билан тасдиқланади.

Буйруқда танлов комиссиясининг асосий вазифалари ва мажбуриятлари ҳамда уларга қўйиладиган талаблар кўрсатилади.

26. Танлов комиссияси таркиби олимлар, тегишли вазирлик ва идораларнинг вакиллари ҳамда йирик саноат тармоқларининг малакали мутахассислари, шунингдек, хусусий сектор вакилларидан иборат бўлади.

27. Танлов комиссиясига йўналишлар бўйича тегишли вазирлик ва идораларнинг вакили раислик қилади ҳамда йирик саноат тармоқларининг малакали мутахассиси котиб этиб тайинланади.

28. Агентлик танлов комиссия аъзоларини улар билан фуқаролик-ҳуқуқий тусдаги шартнома тузиш орқали жалб қилади.

29. Танлов комиссиясининг барча аъзолари Агентлик директорининг буйруғига кўра танлов якунлари бўйича базавий ҳисоблаш миқдорининг 10 баравари миқдорида бир марталик (барча солиқлар ушлаб қолинган ҳолда) моддий рағбатлантирилади.

30. Танлов комиссия аъзоларини моддий рағбатлантириш билан боғлиқ харажатлар Жамғарма томонидан Агентликни молиялаштириш бўйича ажратилган маблағлар ҳисобидан амалга оширилади.

31. Агентлик ҳар йили 1 декабрга қадар талабгорлар рўйхатини шакллантиради, тақдимот ўтказиш санаси ва жойини белгилайди ҳамда таълим ташкилотларига хабар беради.

Бунда белгиланган муддатдан кейин Агентликка тақдим этилган талабгорлар рўйхати танловнинг республика босқичига қабул қилинмайди.

32. Танлов комиссияси ҳар йили 20 декабрга қадар инновацион ғояларни очиқ тақдимот шаклида кўриб чиққан ҳолда баҳолайди ҳамда ғолибларни аниқлайди.

33. Тақдимот жараёнида ғолиблар танлов комиссияси аъзолари томонидан берилган баллар умумий йиғиндисининг ўртача миқдори бўйича аниқланади.

34. Танловнинг республика босқичида тақдимотлар талабгорларнинг бевосита иштирокида ўтказилади.

35. Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардан иштирок этадиган талабгорлар тақдимотни масофавий шаклда ўтказиши мумкин.

36. Танлов комиссияси котиблари танловнинг республика босқичи бошлангунга қадар танлов комиссияси аъзосини талабгорларнинг яқин қариндоши эканлигини ёки танлов натижасидан бевосита манфаатдорлигини ёхуд унинг ҳолислигига шубҳа туғдирувчи бошқа ҳолатларни аниқлаган тақдирда, ҳолат ҳақида Агентлик директориға хабар бериши шарт.

Манфаатлар тўқнашувига йўл қўйган шахслар Агентлик директори қарори асосида танлов комиссияси аъзолари таркибидан чиқарилади ҳамда унинг ўрни муқобил мутахассис билан тўлдирилади.

37. Танловнинг республика босқичини ўтказиш якуни бўйича танлов комиссияси баённомаси тузилади ва у комиссия раиси, котиби ва баҳолашда қатнашган бошқа аъзолар томонидан имзоланади.

38. Танлов комиссияси баённомасида қуйидагилар кўрсатилиши шарт:
республика босқичи ўтказилган жойи ва санаси, бошланган ва якунланган вақти;

республика босқичида қатнашган танлов комиссия аъзоларининг рўйхати;

республика босқичида қатнашган ва танловга келмаган талабгорлар рўйхати;

танлов комиссияси аъзолари томонидан қўйилган балларни ҳисоблаш натижалари, шу жумладан, ҳар бир талабгор томонидан тўпланган баллар.

39. Танловнинг республика босқичида танлов комиссияси танлов якунларида йўналишлар бўйича ғолиблар рўйхатини ҳамда тасдиқланган баённомани Агентликка тақдим этади.

4-боб. Апелляция комиссиясини ташкил этиш

40. Танловнинг биринчи ва республика босқичи натижаларидан норози бўлган талабгорлар танлов натижалари эълон қилинган кундан бошлаб уч иш куни ичида танловнинг тегишли босқичи бўйича апелляция комиссиясига ёзма мурожаат (шикоят) беришлари мумкин.

Бунда танловнинг биринчи босқичидаги шикоятларни кўриб чиқиш учун таълим ташкилотлари раҳбарлари томонидан Апелляция комиссияси тузилади ҳамда унга ўзлари раислик қилади.

Танловнинг республика босқичидаги шикоятларни кўриб чиқиш учун Агентлик томонидан Апелляция комиссияси (кейинги ўринларда – Апелляция комиссиялари) тузилади ҳамда унга Агентлик директори раислик қилади.

41. Апелляция комиссиялари таркиби Агентлик ходимлари ва соҳанинг малакали мутахассисларидан иборат бўлади.

42. Апелляция комиссиялари таркибига саралаш ва танлов комиссияси аъзоларининг киритилишига йўл қўйилмайди.

43. Апелляция комиссиялари мурожаат (шикоят) келиб тушган кундан бошлаб беш иш куни ичида мурожаат (шикоят)ни кўриб чиқади.

Зарур ҳолларда, мурожаат (шикоят) муаллифининг, тегишли саралаш ва танлов комиссияси аъзолари ҳамда танловнинг бошқа субъектларининг фикрини эшитади.

44. Апелляция комиссиялари йиғилиши унда комиссия аъзоларининг ярмидан кўпи иштирок этса, ваколатли ҳисобланади.

45. Апелляция комиссиялари танлов жараёнларига оид мурожаатни (шикоятни) кўриб чиқиб, қуйидаги қарорлардан бирини қабул қилади:

танловда талабгорларнинг инновацион ғояси тўғри баҳоланган бўлса, шунингдек, ташкилий-техник жиҳатдан камчиликлар аниқланмаган тақдирда, танлов натижаларини ўзгартиришсиз қолдириш;

танловда талабгорларнинг инновацион ғояси саралаш ёки танлов комиссияси томонидан нотўғри баҳолангани аниқланган тақдирда, баҳолаш натижаларини ўзгартириш.

46. Апелляция комиссияларига бошқа талабгорларнинг ишларини кўриб чиқиш ва мурожаат қилувчининг иши билан солиштиришга рухсат берилмайди.

47. Саралаш ва танлов комиссияси томонидан баҳоланган талабгорнинг инновацион ғоясида баҳолаш мезонларига мос келмаслик ҳолатлари аниқланган тақдирда, Апелляция комиссиялари саралаш ва танлов комиссияси қарорларини бекор қилиш ёки уларга ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқига эга.

Бунда Апелляция комиссиялари апелляция натижалари бўйича асослантирилган маълумотларни кўрсатган ҳолда, танлов натижаларини ўзгартириш тўғрисида баённомани расмийлаштиради.

48. Апелляция комиссиялари қарори йиғилиш баённомасида қайд этилади. Баённома раис ва аъзолар томонидан имзоланади.

49. Апелляция комиссияларининг қарорлари қарор қабул қилинган куннинг ўзида мурожаат қилувчига расмий равишда юборилади.

50. Апелляция комиссиялари қарорига мувофиқ танлов натижалари ўзгарган тақдирда, саралаш ёки танлов комиссиясининг қўшимча баённомаси расмийлаштирилади ва белгиланган тартибда тасдиқланади.

51. Талабгорлар Апелляция комиссиялари қарори устидан қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда судга шикоят қилиши мумкин.

5-боб. Танловда ғолибларни аниқлаш ҳамда тақдирлаш

52. Танловнинг биринчи ва республика босқичида инновацион ғоялар саралаш ва танлов комиссия аъзолари томонидан қуйидаги 100 баллик мезонлар асосида баҳоланади:

инновацион ғоянинг илмий ва инновацион янгилиги – 20 баллгача;

инновацион ғоянинг долзарблиги – 20 баллгача;

мавжуд аналоглардан фарқи – 20 баллгача;

харажатлар сметасининг асослангани – 20 баллгача;

инновацион ғояни амалга оширишдан кутилаётган натижалар – 20 баллгача.

53. Танловнинг биринчи босқичида ғолиблар қуйидаги миқдорда грант маблағлари билан тақдирланади:

биринчи ўрин учун – 50 млн сўм;

иккинчи ўрин учун – 30 млн сўм;

учинчи ўрин учун – 20 млн сўм.

54. Танловнинг республика босқичида ғолиб деб топилган инновацион ғоялар Агентлик, талабгор ва ташкилот ўртасида тузиладиган шартномага мувофиқ қуйидаги миқдорда молиялаштирилади:

биринчи ўрин учун – 500 млн сўм;

иккинчи ўрин учун – 300 млн сўм;

учинчи ўрин учун – 200 млн сўм.

Бунда Агентлик икки ой муддатда инновацион ғояларни молиялаштириш тўғрисида шартнома тузади ҳамда шартномага мувофиқ маблағларни таълим ташкилотларининг ҳисобварағига ўтказди.

55. Шартномада инновацион ғояни амалга ошириш муддатлари, амалга оширилган ишлар ва маблағларнинг мақсадли сарфланиши юзасидан ҳисобот тақдим этиш шакли ҳамда мониторинг ўтказиш шартлари кўрсатилади.

56. Агентлик томонидан маблағларнинг шартнома шартларига мувофиқ мақсадсиз ишлатилганлик ҳолатини аниқланган тақдирда, қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда тегишли чоралар кўрилади.

57. Таълим ташкилотлари инновацион ғоя молиялаштирилганидан сўнг қуйидагиларни амалга оширади:

икки ой муддатда инновацион ғоя муаллифини қабул қилувчи хорижий ташкилот билан келишувга эришиш;

келишувга мувофиқ инновацион ғоя муаллифини хорижий акселерация, инкубация ёки стажировка дастурига юбориш;

хорижий акселерация, инкубация ёки стажировка дастури якунларида моддий-техник база билан таъминлаш.

6-боб. Якунловчи қоидалар

58. Танлов иштирокчиларини ҳомийлар ўз совғалари билан тақдирлашлари мумкин.

59. Ушбу Низомни қўллашда юзага келадиган низолар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

60. Ушбу Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўлади.

“Энг инновацион ғоя” республика
танловини ўтказиш
тартиби тўғрисидаги низомга
1-илова

**Танловни ташкил қилиш, инновацион ғояларни саралаш ва ғолибларни аниқлаш
ҳамда уларни молиялаштириш
СХЕМАСИ**

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Муддатлар
1-босқич	Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги	Биринчи босқич шартлари ва талабгорлар томонидан саралаш комиссиясига тақдим этиладиган хужжатлар намуналари ҳамда рўйхатини тасдиқлайди.	Ҳар йили 5 сентябрга қадар
2-босқич	Олий таълим ташкilotлари (кейинги ўринларда – таълим ташкilotлари)	1. Биринчи босқичда келиб тушадиган инновацион ғояларни саралаш ва ғолибларни аниқлаш мақсадида камида беш нафар тоқ сонли аъзолардан иборат таркибда саралаш комиссияларини тузади ҳамда ўз буйруғи билан тасдиқлайди. 2. Талабалар учун танловнинг биринчи босқичига аризалар қабули бошлангани тўғрисида ўзларининг расмий веб-сайти ва ижтимоий тармоқлардаги саҳифаларида эълон беради.	Ҳар йили 10 сентябрга қадар Ҳар йили 10 сентябрда
3-босқич	Талабгор (олий таълим ташкilotи талабаси)	Танловда саралаш комиссияси номига ариза бериш орқали фақатгина битта инновацион ғоя билан иштирок этади.	Ҳар йили 10 октябрга қадар
4-босқич	Саралаш комиссияси	Инновацион ғояларни очиқ тақдимот шаклида кўриб чиққан ҳолда баҳолайди ҳамда ғолибларни аниқлайди.	Ҳар йили 10 ноябрга қадар
5-босқич	Таълим ташкilotлари	Ғолиблар учун ажратилган маблағларни уларнинг номига очилган банк пластик карталарига ўтказиб беради ҳамда тасдиқланган баённома ва уларнинг рўйхатини республика босқичида иштирок этадиган йўналишларини белгилаган ҳолда Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Инновацион ривожланиш агентлигига (кейинги ўринларда – Агентлик) расмий равишда тақдим этади.	Ҳар йили 20 ноябрга қадар

6-босқич	Агентлик	1. Республика босқичида инновацион ғояларни саралаш ва ғолибларни аниқлаш мақсадида камида беш нафар тоқ сонли аъзолардан иборат таркибда ҳар бир йўналиш бўйича алоҳида танлов комиссияси тузади ҳамда буйруғи билан тасдиқлайди. 2. Талабгорлар рўйхатини шакллантиради, тақдимот ўтказиш санаси ва жойини белгилайди ҳамда таълим ташкилотларига хабар беради.	Ҳар йили 10 ноябрга қадар Ҳар йили 1 декабрга қадар
7-босқич	Танлов комиссияси	Инновацион ғояларни очик тақдимот шаклида кўриб чиққан ҳолда баҳолайди ҳамда ғолибларни аниқлайди.	Ҳар йили 20 декабрга қадар
8-босқич	Агентлик	Инновацион ғояларни молиялаштириш тўғрисида шартнома тузади ҳамда шартномага мувофиқ маблағларни таълим ташкилотларининг ҳисобварағига ўтказди.	2 ой муддатда
9-босқич	Таълим ташкилотлари	1. Инновацион ғоя муаллифини қабул қилувчи хорижий ташкилот билан келишувни амалга оширади. 2. Инновацион ғоя муаллифини хорижий акселерация, инкубация ёки стажировка дастурига юборади. 3. Моддий-техник база билан таъминлайди.	2 ой муддатда Келишувга мувофиқ Акселерация, инкубация ёки стажировка дастури якунларида

**Республика босқичи ўтказиладиган йўналишлар
РЎЙХАТИ**

1. Рақамли технологиялар ва сунъий интеллект
2. Молиявий технологиялар
3. Қишлоқ хўжалиги технологиялари
4. Киберхавфсизлик
5. Соғлиқни сақлаш
6. Фармацевтика
7. Мудофаа ва хавфсизлик
8. Энергия тежамкорлик
9. Сув хўжалиги технологиялари
10. Таълим ва илм-фан

Изоҳ. Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги томонидан мазкур йўналишларга ўзгартиришлар киритилиши мумкин.

